Қимматли қоғозлар бозорида ахборот
тақдим этиш ва эълон қилиш қоидаларига
3-6-ИЛОВА (рўйхат рақами №2383, 31.07.2012й.)

| | | |
|---|---|---|
| 1 | **ЭМИТЕНТНИНГ НОМИ** | |
| | Тўлиқ номи: | «GIDROMAXSUSQURILISH» aksiyadorlik jamiyati |
| | Қисқартирилган номи: | «GIDROMAXSUSQURILISH» АЖ |
| | Биржа тикерининг номи: | Йўқ |
| 2 | **АЛОҚА МАЪЛУМОТЛАРИ** | |
| | Жойлашган ери: | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 22 |
| | Почта манзили: | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 22 |
| | Электрон почта манзили: | info@gidross.uz |
| | Расмий веб – сайт: | www.gidross.uz |
| 3 | **МУХИМ ФАКТ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ** | |
| | Мухим фактнинг рақами: | 06 |
| | Мухим фактнинг номи: | Эмитентнинг юқори бошқарув органи томонидан қабул қилинган қарорлар |
| | Умумий йиғилиш тури: | Акциядорлар йиллик умумий йиғилиши |
| | Умумий йиғилиш ўтказиш санаси: | 30.06.2018 |
| | Умумий йиғилиш баённомаси тузилган сана: | 09.07.2018 |
| | Умумий йиғилиш ўтказилган жой: | Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Навоий кўчаси, 22 |
| | Умумий йиғилиш кворуми: | 97,5% |

| № | Овоз беришга қўйилган масалалар | овоз бериш якунлари | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | ёқлаш | | қарши | | бетарафлар | |
| | | % | сони | % | сони | % | сони |
| 1 | Акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш, йиғилиш саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш | 100 | 1 288 440 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 2 | Кузатув кенгашининг 2017 йил бошқарув фаолияти бўйича ҳисоботини тинглаш | 100 | 1 288 440 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 3 | "Gidromaxsusqurilish" АЖ Ижроия органи (Бош директори)нинг 2017 йил учун бизнес план бажарилиши ва молия-хўжалик фаолиятининг йиллик ҳисоботини эшитиш | 100 | 1 288 440 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 4 | "Gidromaxsusqurilish" АЖнинг 2017 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботини, шу жумладан бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботини тасдиқлаш | 100 | 1 288 440 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 5 | "Gidromaxsusqurilish" АЖнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси текшируви хулосасини тасдиқлаш | 100 | 1 288 440 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 6 | "Gidromaxsusqurilish" АЖнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосаси ва аудитнинг халқаро стандартлар бўйича хулосасини тасдиқлаш | 100 | 1 288 440 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 7 | "Gidromaxsusqurilish" АЖ нинг корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил ташкилот хулосасини тасдиқлаш | 100 | 1 288 440 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 8 | 2017 йил бўйича жамиятнинг соф фойдасини тақсимлаш | 100 | 1 288 440 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 9 | Жамиятнинг 2018 йил учун тузилган бизнес режасини тасдиқлаш | 100 | 1 288 440 | 0 | 0 | 0 | 0 |

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 10 | Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш | 100 | 1 288 440 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 11 | Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш | 100 | 1 288 440 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 12 | Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш | 100 | 1 288 440 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 13 | Жамиятнинг ижроия органи (Бош директори) билан тузилган меҳнат шартномасини бир йилга узайтириш | 100 | 1 288 440 | 0 | 0 | 0 | 0 |
| 14 | Акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар бўлган давр мобайнида жамиятнинг кундалик хўжалик фаолияти давомида содир этилиши мумкин бўлган аффилланган шахслар билан тузиладиган битимларни маъқуллаш | 100 | 1 288 440 | 0 | 0 | 0 | 0 |

| | |
|---|---|
| | **Умумий йиғилиш томонидан қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ баёни** |
| 1 | 1. Жамият акциядорларининг умумий йиғилиши регламенти қуйидагича тасдиқлансин:<br>• Масалаларни муҳокама қилиш йиғилиш кун тартибига асосан амалга оширилади;<br>• Кун тартибидаги масалалар бўйича маърузаларни (маълумотларни) тинглаш – 5 минутгача;<br>• Кун тартибидаги масалалар муҳокамаси – 5 минутгача;<br>• Чиқишлар юзасидан савол ва таклифлар – 3 минутгача;<br>• Овоз бериш хар бир масала якуни бўйича бюллетенларни тўлдириш йўли билан амалга оширилади<br>2. Йиғилиш саноқ комиссиясининг аъзолари сони ва шахсий таркиби қуйидагича тасдиқлансин:<br>1) Шерматова Насиба Мирабидовна<br>2) Арзуманова Эльмира Абдуллаевна<br>3) Бабаназаров Дилшод Абдуназарович. |
| 2 | Жамият кузатув кенгашининг 2017 йил якуни бўйича ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин. |
| 3 | 1. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича йиллик ҳисоботи, шу жумладан жамиятнинг бизнес-режаси бажарилиши, бухгалтерия баланси, фойда ва зарарлар ҳисобвараги юзасидан "Gidromaxsusqurilish" АЖ ижроия органининг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.<br>2. Жамият ижроия органига 2018 йилда жамиятнинг дебитор ва кредитор қарздорликларини камайтириш, бизнес-режа кўрсаткичларини бажарилишини назоратга олиш, жамиятнинг молиявий-аҳволини яхшилаш бўйича барча зарурий ишларни амалга ошириш топширилсин. |
| 4 | "Gidromaxsusqurilish" АЖнинг 2017 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи, шу жумладан бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи тасдиқлансин. |
| 5 | 1. "Gidromaxsusqurilish" АЖнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти натижалари бўйича тафтиш комиссияси хулосаси маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансин.<br>2. "Gidromaxsusqurilish" АЖнинг ижроия органига молиявий-хўжалик фаолиятини олиб борилишида йирик битим ва жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимларни амалга оширилишида қонунчилик талабларига риоя этилишини назорат қилиш юклатилсин. |
| 6 | "Gidromaxsusqurilish" АЖнинг 2017 йил молия-хўжалик фаолияти натижаларини текшириш юзасидан ташқи аудиторлик ташкилотининг хулосаси ва аудитнинг халқаро стандартлар бўйича хулосаси тасдиқлансин. |
| 7 | 1. Мустақил баҳоловчи ташкилот томонидан "Gidromaxsusqurilish" АЖнинг корпоратив бошқарув тизимини баҳоланганлиги ва унинг натижасига кўра жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими "қониқарли" деб топилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.<br>2. Корпоратив бошқарув кодексининг муайян тавсияларига риоя этиш имкони мавжуд бўлмаганлиги сабабли "comply or explain" (риоя қил ёки тушунтир) халқаро тамойилига асосан унинг сабабларини тўлиқ ошкор этилиши таъминлансин. |
| 8 | 1. "Gidromaxsusqurilish" АЖ томонидан 2017 йил якуни бўйича 419 762 474 сўм соф фойда олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.<br>2. Жамиятнинг 2017 йил якуни бўйича олинган 419 762 474 сўм соф фойдаси жамиятнинг кузатув кенгаши таклифига асосан қуйидагича тақсимлансин:<br>а) Акциядорларга дивиденд тўлаш учун - 95% и ёки 398 774 350 сўм, шундан: |

| | |
|---|---|
| | - оддий акциялар бўйича - 92,76% ёки 389 363 150 сўм, ҳар бир акция учун 294,79 сўм ("Ўзбекгидроэнерго" АЖга – 379 416 819,99 сўм).<br>- имтиёзли акциялар бўйича – 9 411 200 сўм, ҳар бир акция учун 276,8 сўм.<br>б) Жамият захира фондига – 5 % ёки 20 988 124 сўм.<br>3. Дивидендлар қарор қабул қилинган кундан бошлаб 60 кун ичида тўлаб берилсин.<br>4. Дивидендлар қонунчиликда белгиланган тартибда пул воситалари билан тўлансин. |
| 9 | 1. Жамиятнинг 2018 йил учун тузилган бизнес-режаси тасдиқлансин.<br>2. Жамиятнинг ижроия органига жамиятнинг бизнес-режаси кўрсаткичларини бажарилишини назорат қилиш ва ҳар чоракда уни бажарилиши бўйича жамият кузатув кенгашига ҳисоботлар бериб бориш топширилсин. |
| 10 | Жамиятнинг ташкилий тузилмаси янги таҳрирда иловага мувофиқ тасдиқлансин. |
| 11 | Жамият кузатув кенгаши аъзолари қуйидаги таркибда сайлансин:<br>1. Шералиев Ўткирбек Исманович<br>2. Олланазаров Бахром Отажонович<br>3. Махамадов Адхамжон Махмуджонович<br>4. Суллиев Аскар Бекташевич<br>5. Ибрагимова Гузал Бахтияровна |
| 12 | Жамият тафтиш комиссияси таркибига қуйидаги номзодлар сайлансин:<br>1. Хафизов Жавохир Журабоевич<br>2. Садиков Нодирбек Муталифович<br>3. Нармуратов Бахриддин Нематуллаевич |
| 13 | 1. "Gidromaxsusqurilish" АЖнинг Бош директори К.Ш.Фатиллаев билан тузилган меҳнат шартномаси муддати бир йилга узайтирилсин.<br>2. Жамият кузатув кенгаши раисига жамиятнинг Бош директори (К.Ш.Фатиллаев) билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш юклатилсин. |
| 14 | Акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишига қадар бўлган давр мобайнида жамиятнинг кундалик хўжалик фаолияти давомида содир этилиши мумкин бўлган аффилланган шахслар билан тузиладиган битимлари иловага мувофиқ маъқуллансин. |

**Бош директор** — **Фатиллаев Кахрамон Шаропович**

**Бош ҳисобчи** — **Павлухина Тамара Васильевна**

**Веб-сайтда ахборотни жойлаштирган ваколатли шахс** — **Курбаналиева Камола Равшановна**